



Fidoyilik —
vatanga xizmat demak!

2022-yil 10-fevral, payshanba,
16 (23.583)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Ҳар кимнинг
савияси олган
тарбияси
самарасидир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Алишер Навоий боғига хориждан меҳмонлар келди

Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллигига бағишлаб Самарқанд шаҳридаги аллома номи билан аталувчи марказий истироҳат боғида тадбир ўтказилди. Унда вилоят жамоатчилик вакиллари, ижодкорлар, талаба-ёшлар ҳамда туркий тилли давлатларнинг туризм ва маданият вазирликлари ходимлари иштирок этди.



“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети биринчи проректори, профессор Ж.Элтазаров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ж.Сувонова Навоийнинг туркий тил ва адабиёт ривожидagi ўрни, унинг асарларида илгари сурилган гоғлар ҳақида сўз юритди. Алишер Навоий асарлари бугун дунё халқларининг бебаҳо маънавий меросига айланган. Улар турли тилларга таржима қилиниб ўрганилмоқда. Тадбирда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети талабалари буюк мутафаккир ғазалларидан намуналар ўқиди. Вилоят мусиқали драма театри актёрлари томонидан Навоий сиймоси акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш этилди. — Ўзбекистонда учинчи бор меҳмон бўлиб турибман, — дейди Туркия туризм ва мада-

нийат вазирлиги халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гўзда Шахин. — Бу галги ташрифимиз турк дунёсининг буюк шоири таваллуд кунига тўғри келиши бизни хурсанд қилди. Навоий асарлари Туркияда ҳам катта қизиқиш ва алоҳида хурмат билан ўрганилади. Турк шоир ва ёзувчилари томонидан Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб тарбиявий аҳамиятга эга қўллаб асарлар яратилган. Навоий туркий тилли халқларнинг буюк алломасидир. Тадбир қатнашчилари боғдаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди. Вилоятимиздаги барча таълим муассасалари, маданият ва маърифат масканларида аллома таваллуд кунига бағишланган тадбирлар, мушоиралар ўтказилди. **Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.**



НУКУСДА АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари топшириғи билан вилоятлар ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида Қорақалпоғистондаги туманларга бириктирилган эди.

Жумладан, Самарқанд вилояти Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманини ўз таърибаси асосида янада ривожлантиришга қўмаклашади. Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов бошчи-

лигидаги бир гуруҳ масъуллар, тадбиркорлар ўтган йил декабрь ойининг сўнги кунларида Нукусда бўлиб, маҳаллий раҳбарлар билан биргаликда тумани 2022-2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилган эди. Ўшанда Нукусда боғдорчилик, бакиччилик, паррандачилик, тўқимаччилик, қилиқчилик, хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда металл профилларни ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилди. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг

маълум қилишича, айни чоғда самарқандлик масъуллар Нукус тумани маҳаллаларида амалий ишларни бошлаган. Бугун тумanning Тақирқўл овулида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож 100 оиланинг ҳар бирига 40 донадан хонакаш товуқ тарқатилди. Шунингдек, Қрантов ва Тақирқўл маҳаллаларида 100 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Дарсан, Тақирқўл маҳаллалари ҳудудидagi 6 километр ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари бошланди.

➡ Бугуннинг гапи

Бугун турли ижтимоий муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида ўрганишлар ўтказиш урғига кирди. Ўрганишлар бариб ўрганади, ўрганишнинг жавоби келмасдан яна ўрганиш бошланади, аммо муаммо муаммолигича қолаверади.

Ёмғир ёғса Салима, ёғмаса Ҳалима...

Назаримда, бугун муаммони топиш, уни ўрганиш учун махсус гуруҳга ҳам, мутахассисга ҳам зарурат йўқдек. Шунчаки, ижтимоий тармоқларни кузатсангиз бас, улар юзимизга ойна тутлади. “Талабалар”, “маҳалладошлар”, “қўшниллар” каби телеграм гуруҳларида барча муаммолар кўринади, айниқса, коммунал соҳада. Масалан, халқ тилида “сити” дейилаётган замонавий Қорасув шаҳарчасининг “қўшниллар” телеграм гуруҳига кўз ташласангиз шаҳарчадаги кўп қаватли уйларда сувнинг, электрнинг тез-тез ўчаётганидан ўринли шикоятларни кўрасиз.

Мутасаддилар ҳеч бир оғохлан-тирмасдан сувни ўчириши, электрнинг муттасил ўчиб-ёниши бу ерда яшовчиларни қутилмаган муаммоларга дуч қиляпти. Табиийки, электр бўлмаса, лифт ҳам ишламайди. Оқибатда юқори қаватларда яшовчилар, кексалар, соғлиғида муаммоси борлар эшик ёнида электр келиб, лифт ишга тушишни кутиб, совуққа қолади. Мактабга кетган кичик ёшдаги

фарзанларидан хавотир олиб эшик ёнида турган оналарни кўрсангиз, масаланинг жиддийлигини тушунасиз. “Ахир лифтда қамалиб қолиб, у ерда узок вақт қолиб кетса-чи?!” дейди улар ташвишли. Баъзан соатлаб электр келишини кутиш керак. Сабр сангиз тўлса, 16-қаватга зинадан кўтариласиз. Электрдаги муаммо кўпинча шу ернинг ўзида — тармоқдаги узилшлар бўлади. Бироз кучлироқ шимол бўлганда биринчи тармоқдаги, ёмғир ёқганда эса иккинчи тармоқдаги уйларда свет ўчади. Тармоқ тортилаётганда шамол бўлиши ёки ёмғир ёғиши ҳисобга олинмагандир, эҳтимол. Аммо шамолнинг ҳам, ёмғирнинг ҳам ҳаётимизда ўз ўрни бор.

Ана шунда бир латифа ёдга келаверади: Ёмғир ёғса Салима, ёғмаса Ҳалима...

... Негадир мутасаддилар учун бу иш ҳал қилиб бўлмас муаммога айланган.

Қорасув массивининг “Қўшниллар” телеграм гуруҳидан.

Сиз айқ тарафдамисиз ёки...

Болалигимизда дунёда нима ишлар бўлаётганини “Время” ва “Ахборот”дан билардик. Улар ҳамма нарсани ҳам шов-шув қилавермасди.

Бугун ахборот оқими, янгилликлар, воқеалар шунчалик кўпки, баъзида инсон мияси таҳлил қила олмаётгандек, гўё. Ижтимоий тармоқларда шов-шувли воқеа-хадислар икки-уч кун муҳокамада бўлади, кейин тезда эскирилади. Ҳаётимизда ақл бовар қилмас, қалбимиз қабул қила олмайдиган ҳодисаларга ҳам тезда кўникиб кетаётгандекми.

Фаолиятимиз интернет билан бевосита боғлиқ бўлгани учун унда кечаётган гап-сўзларни кузатишга мажбуримиз. Қайси ижтимоий тармоққа кирманг ўз боласини айиққа ем қилмоқчи бўлган аёл ҳангомаси, асосан қаршилардан иборат постлар ва чиқишлар талайгина. Аёлку қилмишига яраша жазага тортилди. Аммо бир аёл тақдирда жамиятимиздаги бок муаммолар юзага қалқиб чиқмадики? Унга фақат ачиниш мумкин, қарғаш шарт эмас.

30 яшар ёшгина аёл Тошкентдаги нуфузли олий-гоҳларнинг магистратура босқичида таълим оларкан. Оиласи ажрим арасида, турмуш ўртоғи Россияда, ёлғиз яшади, эри ёрдам бермайди, фарзандини ўзи боқадди, яна контракт тўлови ҳам бор экан. Оиладаги етишмовчилик, ёлғизлик, эр томонидан бўладиган руҳий босимга замонавий, олий маълумотли аёл бардош бера олмади. Руҳиятида юз бераётган чалқашликлар, портлашлар натижасида ўз туққан боласи, кўзининг оқу қорасини йирткич ҳайвонга ем қилмоқчи ва шу йўл билан эридан, жамиятдан ўч олмақчи бўлди. Ҳайвонот боғига айнан шу мақсадда келганига сира ҳам ишониб бўлмайди.

“Зузу” (ҳайвонот боғидagi айиқ) айиқ бўлса ҳам “одамгарчилик” қилди, қизчани бурдалаб ташламади, дейилди хабарларда. Айтишларича, йирткичнинг қорни тўқ бўлган экан. Қорни оч бўлганида ҳам барибир емасди. Ҳайвонлар сезгир бўлади, балки у олада кеча-

ётган шайтоний васвасани ҳис қилгандир? Сезгандирсиз, бугун жамиятимизда тоқатсизлик ҳукмрон. Асаблар таранг, тушуниш, ҳамдардлик, илтифот сингари инсоний фазилатлар тобора камёблашиб борапти. Эр хотинини пичоқлаган, фарзанд отасини ўласи қилиб урган, чақалоқлар чиқинди-хоналарга ташлаб кетилган, қайноталар келинига кўз олайтирган ҳолатларга кўникиб, мослашиб бораётгандекми.

Аёл барибир ожиза яратилган. Унинг ортида “тоғ” бўлмаса, нураб кетаверади. Юқоридagi вазиятда ҳам асосий айбдор, унинг эри. Ғурури, орияти бўлмаган эр-как аёли ва боласини ташлаб кетаверадими? Аввало, уни жазолаш керак эмасми? Жамоатчилик этиборини масаланинг ана шу жиҳатига қаратсанг, адолатли бўларди. Жамиятимизда бошқа тузилмалар ҳам бор — маҳалла, хотин-қизлар, ички ишлар ва ҳоказо. Бизда айни пайтда маҳалланинг роли ва аҳамиятига катта умид билдирил-япти, унга кўп ваколат ва ҳуқуқлар берилляпти. Бирор оилада нотинчлик бўлса, аввало, маҳалла бундан хабардор бўлади. Уша “қахрамон” аёл ажрашиш учун бир неча марта судга ариза берган, аммо суд ажраштирамаган экан. Мажбурий сақлаб қолинган оила нима бўларди? Суд уларни ажратганида, балки икки боласи учун алимент олганида вазият бунгача бормасиди?

Тўғри, ажралиш яхши эмас, лекин вазиятлар ҳар хил бўлади. Бутлаб бўлмайдиган оилаларни сақлаб қолишдан наф йўқ, уларни ажратиб, болаларнинг қонуний ҳақини отадан ундириб бериш керак. Уч яшар қизалоқ бир кун катта бўлади, эсини танийди. Ўшанда онасини тушунари-микан, унинг ҳаракатини кеширармикан? Одамни муҳит тарбиялайди, дейишади. Ишқилиб, унга яхши инсонлар қуршоида улғайиш насиб этсин. Жамиятга, инсонларга, яқинларига ҳисбатан нафрат ва адоватни ҳис қилмасин. Муаммо шунда! **Гулчехра БЕРДИЁРОВА.**

➡ Bizning subhat

О‘QUV MARKAZDA BILIMSIZ BOLA YO‘Q: BUNGA QANDAY ERISHILADI?

Bugun oliy ta’lim muassasalarida o’qishni istovchilar maktabdan o’qoshimcha dars olish maqsadida o’quv markazlariga qatnamoqda. Ota-onalar ham maktabdan ko’ra “repetitor”ga ishonadi. Sababi, o’quv markazlarida tahsil olayotgan o’quvchilarning 80-90 foizi o’qishga kiriyapti. Nima uchun? O’quv markazlaridagi ta’lim dasturlari maktabnikidan nimasi bilan farq qiladi? Ushbu savollarga javob topish maqsadida mingdan ortiq o’quvchi tahsil olayotgan Samarqand shahridagi “Fast Education” o’quv markazi rahbari Botir Jo’rayev bilan suhbatlashdik.

(Davomi 2-sahifada) >>>

➡ Мухбир корхонага саёхат қилди

Бугун вилоятимиздаги 9 та кластер томонидан пахта хом ашёсини етиштиришдан қайта ишлашга шугулланиб, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Жорий йил 1 февраль ҳолатида уларда 97949 тонна пахта қайта ишланиб, 31811 тонна тола, 50243 тонна чигит ҳамда 2986 тонна пахта мومиги тайёрланган.

Агросоаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси томонидан ташкил этилган пресс-турда Иштихон туманидаги “Marokand Sifat Textile” МЧЖ кластер корхонаси мисолида пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёни билан яқинроқ танишиш имконияти яратилди. 2019 йилда ташкил этилган корхонада бугун 520 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Кластерда 2021 йил ҳосилдан 29740 тонна пахта қабул қилиниб, ҳозиргача 24094 тоннаси қайта ишланган. Бунинг ҳисобига 7362 тонна ип-калава, 12411 тонна чигит ҳамда 697 тонна пахта момиги ишлаб чиқарилган. — Биргина ип-калава ишлаб чиқариш корхонамиз йилгига 11 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга, — дейди кластер бош директори Шерали Ҳусанов. — Ўтган йилги ҳосилдан олинган 10 минг тонна пахтанинг 70 фоизини қайта ишлаб бўлди. Аҳамиятлиси, ундан 26 хил турдаги ип-калава тайёрланади. Бу технологияни вилоятда биринчилардан бўлиб жорий қилганмиз. Шу боис маҳсулотимиз маҳаллий ва хориж бозорида хари-

КЛАСТЕР: хом ашё тайёрлашдан тайёр маҳсулотгача



дорғир. Айни кунда Германия, Польша, Туркия, Хитой сингари давлатларга ип-калава экспорт қилмоқдамиз. Ўтган йилги экспорт қиймати 12 миллион 500 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Айтиш жоизки, кластер хом ашёни қайта ишлаш

учун зарур бўлган воситаларнинг деярли барчасини ўзи ишлаб чиқаради. Хусусан, Франциядан келтирилган технологиялар асосида ташкил этилган замонавий лаборатория ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулот сифатини янада яхшилаш, экспорт стандартларига мослаш имконини бермоқда.

— Пахта ип-калава ҳолига келгунча 6 босқичли қайта ишловдан ўтади, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича бошлиғи Шухрат Тошев. — Бу мураккаб жараён Германиядан келтирилган қурилмаларда амалга ошириляпти. Кластеримизнинг яна бир ўзига хослиги, унда бошқа корхоналардан фарқли равишда бирорта хорижий мутахассис ишламайди. Барча ҳодиму раҳбарларимиз маҳаллий мутахассислар.

Кластерга қарашли трактор паркда 50 донa МТЗ-80 “Беларус” русумли трактор саф тортиб турибди. Корхона иш юритувчиси А.Каримовнинг таъкидлашича, барча транспорт ва техникалар дала ишларига шай ҳолатга келтирилган. Парк 200 дан ортқ фермер хўжаликлари билан шартнома тузиб, мавсумий экин-ийгин тадбирларида қатнашмоқда.

Асқар БАРОТОВ.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ

Самарқанд вилоятидаги айрим аҳоли пунктларини номлаш ва қайта номлаш тўғрисида

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 ва 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 16 июнь, 19 ва 30 ноябрдаги экспертиза хулосалари ҳамда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2021 йил 17 майдаги (12-12/151-сон), 2021 йил 25 октябрдаги (12-12/305-сон) ҳамда 2021 йил 8 ноябрдаги (12-12/329-сон) йиғилиш баённомаларини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ, эллик олтинчи сессияси **ҚАРОР** қилади:

1. Қуйидагилар: Булунғур туманидаги аҳоли пунктларининг номлари 1-иловага мувофиқ ўзгартирилсин. Булунғур ва Паст Дарғом туманларидаги аҳоли пунктларининг номлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (И.Жабборов), вилоят статистика бошқармаси (Д.Мусинов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Б.Умаров), Булунғур (С.Аstonов) ва Паст Дарғом туманлари ҳокимликлари (Ш.Худойбердиев) мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган аҳоли пунктлари номларини белгиланган тартибда статистик ҳисоботларда акс эттирилишини ва иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.
3. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Раҳмонов), Булунғур (С.Аstonов) ва Паст Дарғом туманлари ҳокимликлари (Ш.Худойбердиев) номланган аҳоли пунктларига аҳолини рўйхатга қўйиш ҳамда тегишли йўл белгиларини ўзгартириш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширсин.
4. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Б.Умаров), вилоят қурилиш бошқармаси (Л.Ҳамидов), Булунғур (С.Аstonов) ва Паст Дарғом

туманлари ҳокимликлари (Ш.Худойбердиев) биргаликда номланган аҳоли пунктларига белгиланган тартибда замонавий талаблар асосида пешлаш ва кўрсаткич белгиларининг ўрнатилишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" (А.Анваров) мазкур қарорни "Зарафшон", "Самарқандский вестник", "Овози Самарқанд" газеталарида чоп этилишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (Ш.Жўрақулов) ва вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Темиров) зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Кенгаш раиси Э.ТУРДИМОВ
2022 йил 8 февраль
VI-56-14-7-0-К/22

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 8 февралдаги VI-56-14-7-0-К/22-сон қарорига **1-ИЛОВА**

Булунғур туманидаги номлари ўзгартирилаётган аҳоли пунктлари

Т/р	Географик объектнинг жойлашган ўрни	Аҳоли пунктнинг амалдаги номи	Ўзгартирилаётган номи
1.	"Лалмикор" МФЙ	Эшмантўп	Нурли бўстон
2.	"Гулбод" МФЙ	Девонатепа	Нурлитепа
3.	"Соҳибкор" МФЙ	Калтепа	Нурҳаёт
4.	"Ниёзмат" МФЙ	Капали	Гўзалкент

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 8 февралдаги VI-56-14-7-0-К/22-сон қарорига **2-ИЛОВА**

Булунғур ва Паст Дарғом туманларидаги ном берилаётган аҳоли пунктлари

Т/р	Географик объектнинг жойлашган ўрни	Ном берилаётган аҳоли пункти
Булунғур тумани		
1.	"Кичик Килдон" МФЙ	Дехқонобод
2.	"Авлиё Парпи" МФЙ	Гулбод
3.	"Октепа" МФЙ	Янгиҳаёт
4.	"Гулбод" МФЙ	Фидойилар
5.	"Эсонтурди" МФЙ	Зарафшон
6.	"Элобод" МФЙ	Сайхунбод
Паст Дарғом тумани		
1.	"Қўшчинор" МФЙ	Узумзор
2.	"Шомбулоқ" МФЙ	Чорвадор
3.	"Шомбулоқ" МФЙ	Боғистон
4.	"Шомбулоқ" МФЙ	Гулзор
5.	"Мангитобод" МФЙ	Мангитобод
6.	"Гулбод" МФЙ	Гулбод

O'QUV MARKAZDA BILIMSIZ BOLA YO'Q: BUNGA QANDAY ERISHILADI?

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada).

- O'quv markazida grammatikani o'rganmasdan, so'z yodlamasdan chet tili o'qitilgan ekan. Bunga qanday erishiladi?

- Aslida grammatikani o'rganmasdan chet tilini o'zlashtirib bo'lmaydi. O'quvchilarga grammatika o'tiladi, lekin uslub boshqacha. Masalan, 10 yil oldin o'quvchilarga dars berayotganimizda "Biz bugun hozirgi zamon fe'lini o'tamiz. Uning mana bu qoidalari bor", der edik. Endi esa bolalar matnni o'qib, fe'llar qanday kelishini o'zlarini topib oladi, ya'ni bolalarga grammatikani bildirmasdan o'rgatib qo'yayapmiz. Bugun o'qituvchi doskaga biron qoidani yozib, uni daftarga ko'chirtirmaydi. Bolalarning nazarida xuddi grammatika o'tilmayotgandek, lekin aslida grammatika o'tiladi, chunki busiz bo'lmaydi.

- Demak, sizlarda grammatika qonun-qoidalarini boshqacha o'qitilgan ekan-da?

- Xuddi shunday. Grammatikaning qoidasi bolalarga qiyin tuyulishi mumkin. Shuning uchun biz ularga oson usulda o'rgatishga harakat qilamiz. U yuqirda darsda faqat o'zi gapirsa, o'quvchilar tinglab o'tirsa, ularga ko'p bilim bera olmaymiz. O'quvchilarning o'zidan fikr olinsa, sifat va samarali dars bo'ladi. Masalan, tarix fanida o'qituvchi kelib, darsni o'quvchilarga aytib beradi, shu bilan dars tugaydi. Mening uslubimda esa, o'qituvchi darsga kelib, o'quvchilarga o'tiladigan mavzu bo'yicha savol beradi. Masalan, "Ikkinchi jahon urushi haqida qanday faktlarni bilasiz?" deydi. Tabiiyki, bolalar eshitganlarini aytib boshlaydi. O'qituvchi ularni birma-bir doskaga yozib chiqadi. Yigirmata fakt doskaga yozilgach, o'qituvchi bolalarga mana shuncha ma'lumotlarni bilib ekanisiz, barakalla deb ularni ruhlantiradi. Endi "Ikkinchi jahon urushiga nima sabab bo'ldi?" deydi. Bolalar yana sabablarni aytib boshlaydi. "Uchinchi jahon urushi bo'lmasligi uchun nima qilishimiz kerak?" deydi o'qituvchi. O'qituvchi bolalarning fikrlarini doskaga yozadi. Shu tarzda dars qiziqarli va jonli tarzda kechadi. Bolalarning xotirasida o'zaro fikr almashib, doskaga yozilgan fakt va raqamlar o'qituvchi shunchaki gapirib bergandan ko'ra yaxshi saqlanib qoladi. Bu usulni boshqa fanlarda ham qo'llash kerak. O'qituvchi kamroq gapirib, o'quvchilarni darsda ko'proq gapirtirsa, yaxshi natija oladi.

- Bunday dars o'tish usullarini siz qayerdan o'rgangansiz?

- Bu usullar xorij tajribasi. Men har yili o'z ustimda ishlab, xorijiy sertifikatlar olib kelaman. Masalan, 2021-yilda Kembridjdan "Ustozlarning ustoz" degan yangi sertifikat oldim. Nasib bo'lsa bu yil bundan ham kattaroq sertifikatni olishni maqsad qilganman. Darslarda qanday usul qo'llash kerak, bolalarni qanday jalb etish kerakligi ustida tinmay izlanaman. Masalan, o'n yil oldin bolalarga mavzuni o'tardik va uy ishini berib yuborardik. Hozirgi bolalar uyda kam dars qiladi.



Bolalarni uyida chalg'itadigan narsalar ko'p: televizor, kompyuter, telefon dars tayyorlashga xalal beradi. Shuning uchun ular uyda kam dars tayyorlaydi. O'quvchilarga dars jarayonida mavzuni 80 foiz bajartirib yuborishga harakat qilamiz. U uyda darsni qilmagan taqdirda ham mavzu bo'yicha 80 foiz bilim bo'ladi. Uyga vazifa sifatida bolaga ko'p emas, maqsadli uy ishi berish kerak.

- Balki, maktablarning muammosi shunda-dir? O'n yil maktabda o'qigan bola chet tili bilmaydi. Ularga xuddi siz aytganingizdek, mavzu o'tiladi va uy ishini uyda tayyorlab kel, deyiladi.

- Mavzu o'tilgandan keyin darsda kamida uch xil mashq qilinishi kerak. Masalan, fe'l zamonlari haqida mavzu o'tdingiz. Uni bolalarga gapirtirib mashq qildirish kerak. So'ngra insho yozdirish orqali bola matnda zamonni qanday qo'llay olyapti, buni tekshirish lozim. Keyin mavzuga oid matnni eshittirib, mashq qildirilsa, bola mavzuni darsning o'zida 80 foiz o'zlashtirib oladi. Agar o'quvchilar darsda ushbu mashqlardan birini yaxshi qo'llay olmasa, demak o'qituvchi darsni yaxshi tushuntirmagan bo'ladi. U yana mavzuni takrorlab, bolalarga tushunmagan tomonlarini o'rgatadi.

- O'quv markazingizning necha foiz o'quvchisi oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kiriyapti?

- O'quvchilarning 90 foizdan ko'prog'i oliy ta'lim dargohlariga o'qishga kiriyapti. Bizda ingliz tilini o'rgangach, IELTS xalqaro sertifikati beriladi. 5,5 ball olgan o'quvchi ham mahalliy oliy ta'lim muassasalariga bemaol kira oladi. Yaqinda viloyat xalq ta'limi boshqarmasida o'qituvchilar uchun bo'lgan tadbirda boshqarma vakillaridan biri "Oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirgan samarqandlik talabalarning 60 foizidan ko'prog'i "Fast Education" o'quv markazi o'quvchilari", dedi. Mayli, 50 foiz bo'lgan taqdirda ham bu katta ko'rsatkich hisoblanadi. O'sha kuni bu statistikaning eshitib, juda ham xursand bo'ldim.

Бир рақам шарҳи

Ҳозирда 17,1 минг ўринли талабалар турар жойига эҳтиёж мавжуд. Жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосида Самарқанд шахрининг Бирлик маҳалласида ҳамда Рудакий кўчасида (собиқ ғишт заводи ўрнида) талабалар турар жойлари барпо этилади.

Депутат фаолиятдан

Паст Дарғом туманида одамлар дарду ташвиши билан яшайдиган, ҳаётини ана шундай машаққатли, шарафли ишга бағишлаган фидойи депутатлар кўп. Мен ҳам улар сафида одамларга озгина бўлса-да, ёрдамим тегаётганидан фахрлиб юраман.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор

Оқрудаги сайловчилар билан тезтез учрашиб тураман. Мулоқотларда энг аввало, камбағалликни келтириб чиқараётган омилар, уларни бар-тараф этиш чоралари, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, умуман, аҳолининг ижтимоий ҳимояси асосий ўринини эгаллайди.

Шу сабаб сайлов округим ҳудудида 70 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бердик. 12 нафар фуқаронинг мавсумий ва доимий бандлигини таъминлашга кўмаклашдик. Бугунги давр талабларидан келиб чиқиб Мирзо Улугбек номидаги маҳалла, Самарқанд шох ва Истиклол кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролар интернет алоқасини йўлга қўйишда амалий ёрдам сўрашди. Бу борада соҳанинг вилоятдаги мутасаддиларига депутат сўрови юбордим. Орадан кўп ўтмай жавоб келди. Маълум қилинишича, магистраль кабель масаласи муаммо экан. Шу боис, бир мuddат қутишимиз сўралган эди. Ростки, қараб турмадик, ҳомийларни жалб қилиб, магистраль тармоқдан 700 метр оптик талаби кабель тортиб келдик ва аҳоли интернет хизматларидан фойдаланиши учун имконият яратилди.

Тинчлик маҳалласи аҳолиси мурожаати асосида йўлга светофор ўрнатилди ҳамда пиёдалар йўлакчаси чизиб,

тегишли йўл белгиларини ўрнатилди ҳамда амалий ёрдам сўраганим. Мурожаат бўйича Транспорти вазирлиги ҳузуридаги "Боғишмол" йўлларидан фойдаланиш унитар корхонасига депутатлик сўрови йўлладим. Корхона ходимлари тез кунда светофор ҳамда зарур йўл белгиларини ўрнатди.

Тўғри, айрим вақтларда сайловчилар шахсий масалаларда ҳам мурожаат қилиб туришди. Масалан, Мирзо Улугбек маҳалласида яшовчи Мафтуна Орипова фарзандининг саломатлигини тиклашда моддий жиҳатдан қўйналди колганлигини билдирди. Туман табибиёт бирлашмасига қилган депутат сўровининг натижасида М.Орипованинг фарзандига бир миллион сўмлик бепул дори-дармон берилди.

Бундан ташқари, қайд қилинган оила бошлигининг бандлиги таъминланиб, моддий аҳоли яхшиланди. Умуман, одамларга молиявий қийинчиликни энгис моддий ёрдам билан ҳал бўлмаганини ташвиришга ҳаракат қиламиз. Жумладан, яқинда бир фуқаро оилавий шароитдан келиб чиқиб, "Темир дафтар" рўйхатига киритишда ёрдам сўради. Фуқарони "Бека Чарос" тикув корхонасига ишга жойлаштирдик.

Феруз ТУРАЕВ,
халқ депутатлари Паст Дарғом тумани Кенгаши депутати.

Тараққиёт стратегиясига кўра

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ: ҚАЧОН, ҚАЕРДА, НИМА ЎЗГАРАДИ?

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Стратегияда белгиланган мақсадларни жорий йилда амалга оширишга мўлжалланган давлат дастури ҳам имзоланди. Дастурда ҳар бир тармоқ бўйича йил давомидаги аниқ вазифалар белгиланган. Ҳўш, аҳолининг ҳаётида катта ўрин тутадиган электр энергияси таъминотида қандай ўзгаришлар бўлади? Умуман, тизимдаги асосий муаммолар нимадан иборат?

"Самарқанд электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, бугунги кунда вилоятда 871724 та истеъмолчилар мавжуд бўлиб, 1 соатлик истеъмол 0,8 миллион кВт.ни ташкил қилмоқда. Истеъмолчиларга электр энергияси 138 та ниҳончи, 11315 та трансформатор пункти ва 26 минг километр узатиш тармоқлари орқали етказиб берилади.

Айни пайтда 41 та ниҳончи ва 1015 та трансформатор пунктлари юклама билан ишламоқда. Бундан ташқари, вилоятда 25

йилдан кўп вақт давомида фаолият кўрсатаётган 49 та ниҳончи ва 3410 та трансформатор пунктлари, 7761,5 километр узатиш тармоқлари мавжуд.

Кейинги 5 йилда истеъмолчилар сонининг ошиши ҳисобига электр энергияси истеъмоли 1132,6 миллион кВт.с.га ошиб, 5787,8 миллион кВт.с.га етиши кутилмоқда. Ушбу эҳтиёжни қоплаш мақсадида 2022-2026 йилларда 6275,2 километр тармоқ, 1691 та трансформатор ва 14 та подстанция қурилади.

Ўтган 2017-2021 йилга нисбатан олганда эса, кейинги 5 йилда трансформатор ва ниҳончи қуриши 70 фоиздан, узатиш тармоқларини ўрнатиш 177 фоиздан кўпроқ амалга оширилади.

Умуман, бугунги кунгача амалга оширилган ишлар натижасида 460 мингдан зиёд истеъмолчининг электр таъминоти яхшиланган бўлса, кейинги 5 йилдаги ишлар натижасида яна 577 минг истеъмолчига узлуксиз электр энергияси етказиб бериш таъминланади.



Булунғур туманидаги Мингчинор маҳалласи кўркам шаҳарни эслатади. Маҳалла ҳудудидан ўтган «Булунғур-Килдон» йўлининг икки томонида савдо ва қурилиш дўконлари, маиший хизмат шохобчалари, ошхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

- Маҳалламизда 3682 нафар аҳоли истиқомат қилади, - дейди Мингчинор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саодат Алларова. - Аҳоли асосан тadbиркорлик, томорқа ва иссиқхона ишлари билан шуғулланади. 60 нафар тadbиркор хизмати билан маҳалла биноси қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга эга бўлди. Маҳалла биноси ёнида янги ҳаммом ишга тушиди, тикувчиликка ўргатиш маркази очилди, чойхона ва миллий таомлар ошхонаси аҳолига хизмат қилмоқда. Томорқачи Гулсара Жўрабоева ҳовлисидаги иссиқхонада лимон, кўкатлар, саримсоқпиез етиштирмоқда.

Раббим ҲОТАМОВ олган сурат.

СИЗДАН БОШҚАСИГА ИШОНМАЙМАН!

Ассалому алайкум, меҳрибон аяжоним! Сизни соғинганим учун ҳар куни йўғлаб оламан. Ўзимни овутиш учун хатлар ёзишни бошладим. Дадам иккимизни ташлаб, чет элга кетиб қолганингизни буюм билан амманнинг суҳбатини эшитиб, билиб қолдим.

– Келиннингизни кўтманг, – деди амман буюмга. – У энди қайтмайди. Биттаси билан топишиб, бирга чет элга кетганмиш.

– Ҳа, пешонада борини кўраимиз, – деди буюм йўғлаб. – Тўғри-да, тўшакка миҳланган эрдан унга нима наф. Ҳеч бўлмаса боласини ўйласа бўларди. Шу менга алам қилаяпти.

Нега мениям олиб кетмадингиз? Амман айтган "биттаси" ким? Йўқ, бу гаплар мишмиш. Бу гаплар ёлгон. Тишингизни олдиришга кетганингизку, қайтишингизда менга самокат олиб келмоқчи эдингиз. Сиздан бошқа ҳеч кимга ишонмайман. Ҳар гал эшик "тик" этганда югуриб чиқяпман. Албатта, тез кунда қайтасиз. Менга самокат олиб келиш мақсадида пул излаб юрган бўлсангиз, ўйланманг аяжон, керак эмас. Энди ҳеч қачон "уни оберинг, буни оберинг", демайман. Ўзингиз ёнимда бўлсангиз бўлгани.

ФАҚАТ СИЗ КЕРАК БЎЛЯПСИЗ, АЯ!

Салом, аяжон! Амманнинг гапи ростга ўхшаяпти. Ўзбекистонда бўлганингизда бир йилда бир марта бўлсам мени кўришга келардингиз. Бу йил олтинчи синфни битираман. Катта бўлиб қолдим. Дадамга ҳам ўзим қараяпман. Буюм ўтгандан кейин амманлар ҳам бизникига келмай кўйдди. Ҳар замонада қишлоқдаги кичкина амман келиб туради. Ҳа, ая, дадам соча йўғлоқи бўлиб қолган.

– Коронавирус деган бало онамнинг ўрнига мени олиб кетса бўлмасмиди, – деб йўғлагани-йўғлаган.

– Дадажон, йўғламанг, йўғласангиз буюм нариги дунёда қийналаркан, – деб овутоқчи бўлган. – Буни қайвонилардан эшитганман.

– Сенам мени деб, қийналиб кетдинг-да, ўғлим, – дейди.

Аслида мен унчалик қийналганим йўқ. Бозор қилишни, кир ювишни уқдлапман. Фақат овқатни ширин қилиб пиширишни ўрганолмапман-да. Дадамнинг нафақа пули рўзғоримизга етмай қолган пайтларда кўчада машиналарнинг филдирганини қорайтириб бериб, пул ҳам топиб келаман. Ҳеч камчилигимиз йўқ. Фақат сиз керак бўляпсиз, ая!

МАҚСАДИМ - ДАДАМНИ ДАВОЛАТИШ

Ая! Шу йил 8-синфни тугатман. Инглиз тили бўйича синфда биринчиман. "IELTS"



Ёхуд ҳоким бува ҳамда аямга жўнатилмаган хатларим (ҳаётий ҳикоя)

имтиҳондан юқори натижани кўлга киритсам, ёшим кичик бўлишига қарамасдан, ўқув марказига ишга қабул қилишмоқчи. Кейин пулимиз кўпайиб қолади. Дадамнинг нафақаси рўзғорга етиб турса, ойликларимни йўғаман. Энг катта мақсадим – дадамнинг оёғини операция қилдириш.

У яна оёққа туриб кетса, қайтиб келасиз-а?!

МЕНИНГ ОНАМ ЎЛГАН. МЕНИНГ ОНАМ – ҲАЁТ!

Ая! Энди сизга бу ном билан мурожаат қилишим нотўғридир балки. Онасизликка ўргангандайман. Аммо ҳалиям ҳеч кимнинг гапига ишонмасдан сизни кутаяпман. Дадамнинг тиззалари соғлом пайтда қандай бахтли оила эдик. Ўша давларни жуда соғинаман-да.

Яқинда бир калтафаҳм дўстим (уни дўст дейишга уялади одам) қаердандир телефонига сақланган бир эркак билан бирга тушган суратингизни ҳаммага кўрсатиб юрибди. Кўпчилик менга ёмон кўз билан қарай бошлади. У сизнинг расмингиз эди, аммо очиқ-сочиқ кийинмаслигингизга, соғлом пайтидагидек дадамни ҳалиям хурмат қилишингизга ишониб, "у бошқа аёл" деб ўзимни ўзим алдашга ҳаракат қилдим.

– У менинг онам эмас, – дедим ўша расмни кўз-кўз қилаётган номрагга ўқрайиб.

– Сенинг онанг ким унда, – деди у.

– Менинг онам ўлган, – дедим бор овозим билан бақириб ва хўнграб йўғлаб юбордим. – У менинг онам эмас, менинг онам – ҳаёт.

Ҳа, мени ҳаёт тарбиялади. Шу онамни – ҳаётимни жуда яхши кўраман. Уни асраб-авайлашга ҳаракат қиламан. Дадамни даволатиш

ҳамда буюм ва сиз бўлмасангиз ҳам яна, аввалгидек, унинг бахтли бўлиши учун ҳам ҳаётимни кўз-қорачиғимдек асрашим шарт.

ЭНДИ ДАДАМ ОЁҚҚА ТУРАДИ!

Ассалому алайкум, ҳоким бува! 5 ёшлигимда дадамнинг тиззалари оғриб, юролмай тўшакка миҳланиб қолганди. Аям бизни ташлаб хорижга кетиб қолгач, амаким билан яшайдиган буюм бизникига кўчиб келди. Афсуски, буюм узоқ яшамади. У оламдан ўтгандан бери дадамга ўзим қараб келаётган эдим. Катта бўлиб, интернет орқали дадамнинг оёқларини жарроҳлик усули билан даволаш мумкинлигини билдим. Аммо бунинг учун пулимиз етарли эмасди. Яқинда уйимизга маҳалла раиси келиб шундай деди:

– Вилоят ҳокими ташаббуси билан дадамнинг оёғини операция қилиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилляпти.

– 8-синфни битирганимча "IELTS" сертификатини оламан, – дедим раис бувага. – Кейин дарсдан бўш вақтларимда ўқув марказида ишлайман. Пулларни қайтараман, албатта. Бу яхшиликни асло унутмайман.

– Яша, ўғлим! – деди раис бува елкамни қочиб. – Тўғри, бу сенинг қарзинг. Уни ҳозирча узишни ўйлама. Яхши ўқишга ҳаракат қил. Келгусида ўзинга ўхшаган ақли, билими шогирдлар тайёрласанг, жамиятга нафинг тегса, бугунги яхшиликни қайтарган бўласан.

Ҳоким бува, бу хушхабарни эшитиб қанчалар хурсанд бўлганимни билсангиз эди. Борингизга шукур. Энди дадам оёққа туради, ўн йил аввал йиқилган оила оёққа туради.

Тўлқин СИДДИҚ.

ОТАЛАР ЙИҒИЛИШИДАН СЎНГ

Тонг. Қиш қишлигини қилаётган палла. Осмон булутли. Дов-дароҳлар оппоқ қиров билан қопланган.

– Ўғлим, тур мактабингга кеч қолсан!

Мағфират ҳар кунгидек, эрталаб уйғонган бўлса-да, ўрнидан туришга эриниб ётадиган фарзандига айтадиган гапларини такрорлади.

Муроджон ётган жойида деразага тикилиб:

"Ая, қаранг қор ёғибди" деди.

– Қор йўқ, ўғлим.

– Алдаманг, дароҳлар оппоқ-ку!

– Болажоним, бу қор эмас, қиров тушган.

– Ая... Бугун мактабга бормасам-чи?!

– Нега, болам?

– Кеча йиғилишга ҳеч ким бормадику, шунга бугун устозим уришадик.

– Ўзим бирга бораман, устозингга айтман. Турақол энди. Ҳозир чой дамлайман.

Ихчамгина хона. Ўртада хонтахта. Атрофига эски кўрпачалар тўшалган. Қўроқ дастурхон устида нон ва бир идишда шакар.

Она-бола шакар чойга бир бурдадан нонни ботириб еди-да, мактабга отланди.

Йўлда кетаётиб бола онасини юракни эзувчи саволлар билан кўмиб ташлади.

– Ая, ойлик омадингизми? Этигим оёғимни қисаяпти. Кўшни хола берган куртаниям мана иккинчи йил қияпман. Ойлик олсан-

гиз куртқям обераисизми? Мағфират лом-мим демади. Томоғига бир нима тикилди. Шу бир нима сўз айтишга йўл қўймади.

Мақтаб ҳовлисига қирар чоғида чўқур нафас олди-да:

– Яхши ўқисанг тез кунда ҳамма нарса обераман, – дедди.

Уларни бинога қираверилган Муроджоннинг устози қарши олди.

– Ассалому алайкум, – она-бола бирдек устозга салом берди.

Устоз Муроджоннинг бошини силаб, Мағфиратга юзланди:

– Ассалому алайкум, яхшимисиз?

– Бироз хижолатдаман, – деди Мағфират ердан кўзини узмай.

– Тинчликми? Нима бўлди?

– Кеча оталар йиғилишига биздан ҳеч ким келмади.

– Ҳа, айтганча, нега келмади?

– Чунки... – Мағфират ўзини тугиб туролмади. Йўлда томоғига тикилган бир нима кўзидан ёш бўлиб чиқа бошлади.

– Бор, синфга қиравер, ўғлим, – деди устоз Муроджонга мактаб биносига кириш эшигини кўрсатиб.

– Йўғламанг, синглим, Муроджоннинг отаси билан ажрашганингиздан хабарим бор, аммо биз эълонда бобо ёки тоғалар бўлса ҳам келиши керак, деган эдик-ку!

– деди у.

– Афсуски, ўзим ҳам ёлғизман, – деди Мағфират кўз ёшларини артиб.

– Ота-онам болагимда

вафот этган. Тоғамларнинг уйда, янгаларнинг кўлида минг бир азоб билан катта бўлганман. Улар мени биринчи келган совчларга-ёқ турмушга узатган...

– Тушунди... Хафа бўлманг, синглим.

– Майли, опажон раҳмат тушунганингиз учун. Ўғлим устозимиз оталар йиғилишига ҳеч ким бормагани учун гапирди, деганидан кейин ўзим тушунтирмаман, деб келдим. Уни уришмайсизда, устоз!

– Асло, нимага уришаман. Йўғилиш ҳақида гап очмайман унинг олдида. Муроджон ўзи яхши хулқли, аялочи ўқувчиларимдан бири. Ўқини сувайтирмасин, уйда унга ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб туринг. Мактабда ўзим кузатиб тураман. Келажакда шундай бир инсон бўладиким, сизнинг армонларингизни унуттириб, ширин оғуларингизни рўёбга чиқаради.

– Илойим, айтганингиз келсин, энди мен борақолай, ишга кеч қолдим.

Мағфират мактабдан чиқиб, яна кўз ёш қила бошлади. Аммо энди барча қийинчиликларга шу ерда нуқта қўйилгандек. Ўғли мактабни битирмасдан, муддатидан олдин хорижий олий ўқув юртига ўқишга киришини, ҳам ўқиш, ҳам ишлаб кўп пул топишини, каталакдек бўлсам ўзлари учун ўй сотиб олишини орзу қилиб, қадамларини тезлатди.

Ўзининг фаррошлиқдан бошқа хунари бўлмаса... Бор умиди шу ўғлидан.

Муниса ШАМСИЕВА.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Суратбек ЮСУПОВ

Илм-фан равнақи учун бор билими ва шижоатини аямаган юртдошларимиз борки, улар олдида ҳамisha таъзимдаимиз. Ана шундай инсонлардан бири қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Суратбек Юсупов 75 ёшида бу ёруғ оламни тарк этди.



Суратбек Юсупов 1947 йил 13 май куни Самарқанд шаҳрида туғилди. 1963 йилда ўрта мактабни битириб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг қорақўлчилик факультетида ўқишга кирди. Устозларидан зоотехника ва унинг қонунятлари, қорақўлчилик соҳаси хусусиятларини кунт билан ўрганди.

С.Юсупов институт аспирантурасида илмий излашиллар олиб боргач, 1972 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 18 йил давомида институт илмий ишлар бўйича проректори, қорақўлчилик факультети декани лавозимларида меҳнат қилди.

Суратбек ака қорақўл кўйларининг махсуддорлик, биоморфологик, генетик хусусиятларини ўрганиш бўйича мақсадли тадқиқот ишларини амалга ошириб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Профессор 2000 йилда Халқаро экология ва ҳаёт хавфсизлиги фанлари академиясининг акадими бўлиб сайланган.

С.Юсупов 1999 йилда Қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти директори этиб тайинланди. Кейинчалик институт Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтига айлантирилгач, соҳанинг долзарб экологик муаммоларини ўрганишга ҳам кенг аҳамият берилди.

Бутун умрини илм-фанга, қорақўлчилик соҳасини ривожлантиришга бағишлаган фидойи инсон, фан доктори, профессор Суратбек Юсуповнинг номи яқинлари ва дўстлари қалбида абадий сақланиб қолади.

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАТИ.

бошланди.

Ўттиз йил ичида унинг раҳбарлигида турли рангли ва типли қорақўл кўйларининг 6 та юқори махсуддор завод типлари яратилди. 2005-2006 йилларда БМТ ривожланиш дастурининг "Яйлов ва қорвачиликни бошқариш" лойиҳасининг филиали координатори сифатида фаолият кўрсатди. Домла 500 га яқин услубий мақола, 8 та монография, 10 га яқин ихтиро, 20 дан зиёд илмий ишланмалар муаллифи ҳисобланади.

Профессор С.Юсуповнинг раҳбарлиги остида 20 нафар фан номзоди ва фалсафа доктори, 5 нафар фан доктори тайёрланди. Домла ҳаётининг сўнги кунларига қадар Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий кенгаш қошида ташкил этилган илмий семинарга раҳбарлик қилди.

Суратбек ака қорақўл кўйларининг махсуддорлик, биоморфологик, генетик хусусиятларини ўрганиш бўйича мақсадли тадқиқот ишларини амалга ошириб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Профессор 2000 йилда Халқаро экология ва ҳаёт хавфсизлиги фанлари академиясининг акадими бўлиб сайланган.

С.Юсупов 1999 йилда Қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти директори этиб тайинланди. Кейинчалик институт Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтига айлантирилгач, соҳанинг долзарб экологик муаммоларини ўрганишга ҳам кенг аҳамият берилди.

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАТИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги «FURKATOVICH» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307167815) ўз номини «DILSHUKUR GOLD» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «DILSHUKUR GOLD» масъулияти чекланган жамияти «FURKATOVICH» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Обод маскан маҳалласи, 8-«А» уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Мубинга (2021 йил 17 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темир кўчаси, 108-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Одилов Муродқулга (2020 йил 16 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламова нотариал идорасида марҳум Исмаилов Энвер Исмаиловичга (2012 йил 7 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Аҳмедов Жавоирга (2015 йил 1 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасида марҳум Коридова Саннатга (2015 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасида марҳум Халимов Тохир Тўхтаевичга (2021 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижон маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Насруллаев Раҳматга (1975 йил 15 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўрақулевна нотариал идорасида марҳум Раҳимов Муртазақулга (2021 йил 28 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўрақулевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман Давлат хизматлари маркази биносида.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Давронов Курбонга (2020 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижон маҳалласи.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамажусупович нотариал идорасида марҳум Мамажидов Бахтиёр Уринбоевичга (2014 йил 6 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамажусупович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасида марҳум Шарипов Абдуллатифга (2010 йил 14 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

«STEKLOPLASTIK» масъулияти чекланган жамияти муҳандис-конструкторларни ишга таклиф этади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:
1. "AutoCad" дастурида ишлаш олиши;
2. Ишлаб чиқариш соҳасида камида 5 йиллик иш тажрибага эга бўлиши лозим.

Иш ҳақи келишилган ҳолда.
Манзил: Самарқанд тумани Янгиариқ маҳалласи.
Мурожаат учун телефон: +99893-330-20-79.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасида марҳум Бердиев Нарзиллога (2021 йил 5 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Холмуродов Анвар Холмурод ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Паст Дарғом туманидаги 6-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Рўзиев Музаффар Яхё ўғли номига берилган UM № 0522167 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд темир йўл транспорти касб-хунар коллежидан 2014 йилда Хужанов Сардор Нормаматович номига берилган рўйхат рақами 304, К 3200799 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

*****</**

► КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

МЕХР БОҒИНИНГ ГУЛИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муайяна Хўжаевага

Муайяна ойти! Турли тадбир ва саналарда хабарлашиб турсада, «Турон нашр»да яқинда чоп этилган «Бўстони меҳр» (Меҳр бўстони) китобингизни ўқиб, Сизга кўнглимдаги гапларимни изҳор этишга жазм қилдим.

Ушбу мажмуани меҳр бўстонида 80 йилдан бери ифтор таратиб, ашанаб келаётган нафис, ноёб гулнинг шархи десам, хато қилмасам керак. Негаки, мақола, эссе ва мактубларни ўқиган киши бир ижодкор аёлни ҳаёт йўли, иштиёқ ва машаққати, дунёга муносабати, касбга садоқати ҳамда одамларга муҳаббатни орқали қомиллик тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлади.



Бу гапни бежизга айтмадим. Кейинги пайтда зиёлимани дегани умр санасига бағишлаб китоб «ёзиш» (аниқроғи, чоп этиш)ни одат қилган. Аммо аксарияти таржимаи ҳол ва фаолияти хроникасидан иборат. Сиз эса бу гулдаста изоҳига Меҳр мавзусини сингдириб юборибсиз. Дарвоқе, олдин – «Ризвон эрур Ватан», «Армуғони Васлий», «Тожи шараф», «Матонат» номли китобларингиз ҳам эзгулик йўлидаги фидойи инсонларга бағишланди.

«Бўстони меҳр»ни мутлола қилар эканман, Васлий, Қутбий, Ориф Гулханий сингари самарқандлик ижодкорлар меросидан кўпроқ хабардор бўлдим. Тожикзабон адиблар ижоди таҳлил қилган мақола ҳам бор. Камтарин ижодкор Акбар Қосимов Пирузийнинг (жойлари жаннатда бўлсин!) «Дилбари дилбарон» (Дилбарлар дилбари самарқандлик фазилатли аёллар таърифидаги яхши эссе эди. Бу эссе китоб қадрини анча оширган.

Таниқли олим Абдусалом Самодов, журналист Хўжамурод Қўлдошевнинг мақолалари ҳам улар хотираси хурмати учун китобга киритилгани ибратлидир.

Муайяна ойти, китоб 80 йиллик юбилейингиздан ўқувчига муносиб совға бўлибди. Зеро, Сизни 30 йилдан бери яхши танийман, ижодингизни кузатиб бораман. Мен Сиздаги камтарликка ҳавас қиламан. Бирор марта даврада «мен ундай қилганман, бундай қилганман», юқори ташкилотларга «китобимни чиқариб беринг, тақдиримни ўтказинг», деган гапингизни эшитма-

ганман. Ҳатто тўртта китоб чиқариб ҳам Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишни сўрашдан истиҳоло қилгансиз. Табаррук юбилейингизни оила даврасида нишонлагансиз. Ана шу фазилатингиз учун ҳам вилоят ҳокими Сизни кўп олдидан рағбатлантириш таклифини айтганди. Ваҳоланки, ҳатто 50, 60 йиллик саналарни ҳам манаман деган жойда нишонловчилар топилди қоляпти.

Сизнинг «Матонат» китобингизга газетамиз орқали муносабат билдиргандим. Дарҳақиқат, энг яқин одамларидан эрта жудо бўлган ижодкор аёлни тақдир синовларига чидаши, ҳар қандай ҳолатда қаламни қўлдан қўймайлиги, одамларни севиб яшashi, шуҳрат талаб қилмаслиги маънавий жасоратдир! Ўз ғамингиз эмас, элга хизмат қилган, қилаётган одамлар ҳаётини ёзишингиз, уларнинг дардига шерик бўлишингиз, одамларни ҳаётдан завқ олиб яшашга ундашингиз ҳам жасоратдир!

Сиздек аёлларнинг, ҳамкасбларининг бориға шукр.

Китобингиздан хулосам шул: талабаларигадақ мақола ва таржималари билан назарга тушган, умрининг 30 йилини Тошкентда – «Овози тожик» республика газетасида, пойтахт радиоси ва бошқа илмий муассасаларда ўтказган, ундан кейин Самарқанд журналистика мактабига шоғирлар тайёрлаш билан шуғулланган фидойи журналист аёли меҳр боғидаги гулга ўхшатдим. Бу гулнинг илдири эл меҳридан сув ичади. У ҳали янгица жамиятга ўз ифори билан нафосат улаштириши истайман. Саломат бўлинг!

Хўрмат билан, Фармон ТОШЕВ.

1524 йилдан 1858 йилгача Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар, жумбоқли воқеалар борки, улар газетхонларни қизиқтириши, шубҳасиз. Шулардан бири «Бобур тахти» воқеасидир. Тўғри, бу тахтга Бобур Мирзо бирор марта ҳам ўтирмаган. Чунки бу тахт Бобур вафотидан 100 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, бобурийларнинг афсонавий Тож Маҳал бунёдкори Шохжаҳон амри билан XVII асрнинг ўрталарида ясалтирилган. Бу тахтни ясаш учун етти йил сарфланган бўлиб, уни дунёнинг турли давлатларидан келган уста-хунармандлар бунёд этган.

Маълумотларга кўра, тахтни ясаш учун 2 тонна олтин сарфланган, унинг безаклари учун эса 5 тоннадан ортиқ зумрад, феруза, ёқут ва бошқа қим-

► Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 539 йиллигига

Биз билган ва билмаган тарих

«Бобур тахти»нинг номаълум тақдири

матбаҳо тошлар ишлатилган, 1,5 тонна дур ва марварид сарфланган. Айтишларича, «Бобур тахти»га Тож Маҳалга нисбатан икки баравар кўп маблағ кетган. Тахтда 6 та оёқ бўлиб, улар фил суюғидан ишланган ва ҳар бири 10-12 каратли олмос, дуру жавоҳирлар билан безатилган, ёқутлар эса оёқларига янада кўрк бағишлаган.

Шоҳ ва шоир Бобур Мирзо кушларни, айниқса, товусларни ёқтирган. Буни Шохжаҳон яхши билгани учун тахтнинг сунячиқ қисмига айнан товус тасвирини тушириши амр этган. Шуниси диққатга сазоворки, товус патларини акс эттириш учун унда турли ранглардаги қимматбаҳо тошлар қадаб чикилган. Машҳур «Кўхнур» олмоси эса товуснинг кўзига ўрнатилган. Дастлаб «Товус тахт» деб аталган ва бу тахтнинг овозаси бутун оламга ёйилган.

Тахт бобурийлар сулоласига салкам



бир аср хизмат қилди. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Афшар 1739 йилда Ҳиндистонга қўшин тортиб борган ва бошқа бойликлар қатори «Бобур тахти»ни ҳам пойтахти Исфаҳонга олиб кетган. Агра-

даги Бобурийлар хазинаси 21 та туяга ортилган. Орадан сал ўтмай «Бобур тахти» Техронга кўчирилган, кейинчалик сирли равишда ғойиб бўлган. Тахминларга кўра, тахт Кўкон хонлигига олиб келинган. 1876 йилда Россия хонлики эгаллагач, генерал Скобелев тахт тақдири билан қизиққан. Лекин тахт топилмаган. «Бобур тахти» қандай қилиб, Эрондан Кўкон хонлигига қолгани ҳеч бир манбада тилга олинмаган. Ҳамон «Бобур тахти» тақдири ҳудди Бухоро ҳукмдори Амир Олимуҳон хазинаси сингари турли ривоятларга сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга таянадиган бўлсак, Эрондан «Бобур тахти» йўқолгач, мамлакат шоҳи Фатҳ Алихон унинг бошқа нусхасини камтарона қилиб ясалтирган. Тахт ҳозирги пайтда Эрон Миллий музейида сақланади.

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ.

Йилда еттита китоб ёзиш осонми?

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти профессори, архитектура фанлари доктори Ахтам Ўролов олийгоҳдаги қарийб ярим асрлик фаолияти давомида 50 дан зиёд китоб ёзди. Биргина, 2021 йилнинг ўзида еттита китоб нашр эттириш осон иш эмас, албатта.



Ҳозир профессор раҳбарлигида архитектура фанлари бўйича 10 нафар фалсафа доктори (PhD) тайёрланди, яна уч нафар шоғирди диссертация ишини ҳимоя қилиш арафасида. Унинг илмий раҳбарлигида бугун ўнлаб таянч докторант (PhD), фан докторлари (DSc) ва мустақил илланувчилар тадқиқот олиб бормоқда. Устоз жорий йилда ҳам шоғирлари ҳамкорлигида биттадан дарслик ва ўқув қўлланма, иккита монографияни нашрга тайёрламоқда.

А.Уроловнинг А.Султонов ҳаммуаллифлигида тайёрлаган «Ислом ва тасвирий санъат» монографияси ўзбек ва рус тилларида чоп этилган. Унда Марказий Осиёда тасвирий санъатнинг ислом динигача бўлган ҳолати, ислом дини қириб келган дастлабки йиллар, Амир Темуру ва теурийлар даври, XVI-XIX асрларда тасвирий санъатга бўлган исломий муносабат масалалари ўрганилган.

Домла уста меъмор А.Ҳаққулов ҳаммуаллифлигида ёзган «Ўзбекистон архитектура ёдгорликларидеги қошим безакларни таъмирлаш ва қайта тиклаш» асарида Ўзбекистон меъморий обидаларида қўлланилган безаклар ва нақшу нигорларнинг турлари,

меъморий ёдгорликлардаги қошимли керамика безакларнинг ривожланиш эволюциясига тўхталган.

Олимнинг «Ҳиндистоннинг Бобурийлар даври архитектураси» ўқув қўлланмасида (ҳаммуаллиф Л.Раҳимов) Ҳиндистонда Бобурийлар даври архитектурасининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, меъморий ва бунёдкорлик хусусиятлари, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзебар даври архитектураси тушунтирилган.

Устознинг «Ўзбекистоннинг ўтмишдаги тасаввуф масканлари-хонақоҳлар архитектураси», «Ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастури», «Марказий Осиёнинг ўрта асрлар фуқаро меъморчилиги (жамоат бинолари ва иншоотлари)», «Архитектуравий шакллар ва нақшларни уйғунлаштириш ва ёритиш» номли монография ва ўқув қўлланмалари Марказий Осиё ва жаҳон архитектура-си соҳасидаги билимларни бойитишга хизмат қилмоқда.

Э.ИСАКОВ, СамДАҚИ проректори, профессор, И.МАХМАТҚУЛОВ, доцент.

НЕГА БОЛА МАСЛАҲАТСИЗ ИШ ҚИЛАДИ?

Кундалик ҳаётимизда фарзандларнинг ота-онаси билан маслаҳатлашмай иш қилиши кўп учрайди ва бу баъзан оилавий келишмовчиликларга олиб келади. Хўш, бундай муносабатда ким айбдор – ота-онани ёки фарзанд? Баҳс-мунозарага чорловчи бу саволга мен ота-онани айблаган бўлар эдим. Негаки, бола тарбиянинг асосий қисмини оилада олади.

Бугун маслаҳатлашмагани учун боласидан хафа бўлган ота-она унга ҳар бир ишни маслаҳатлашиб қилиш кераклигини ёшлигидан ўргатганми? Йўқ. Аксинча, фарзанди гўдаклик чоғидан отаси ёки онаси ҳар қандай ишни ҳеч ким билан маслаҳатлашмай қилганини кўриб улғайган ва энди у катталардан ўрганган ишни такрорляпти.

Агар ота-она баъзи ишларда фарзанднинг фикри билан қизиқса, бу фойдадан холи бўлмайди. Масалан, ҳовлида яшайдиган оилада ота эрта баҳорда ерни экинга тайёрлашдан олдин ўғлини қақриб, «Нима дейсан, экин экинчи бошлаймизми», деб сўраса, боланинг кўнглига дадам мен

билан маслаҳатлашяпти, деган фикр келади.

Она ҳам қизлари билан маслаҳатлашгандек, улар қилиши керак бўлган ишларни ўргатиб борса, қизларида бирор ишни бошладан олдин маслаҳатлашиш керак, деган тушунча шаклланади. Бу кўнма уларнинг келгуси ҳаётларида муҳим қарорлар қабул қилишда қўл келади.

Буюк саркарда Амир Темуру ҳам ҳар бир юришини кенгаш муҳокама-сидан ўтказгани ҳақида тузуқларида келтириб ўтган. Оилада нарса сотиб олиш бўладими ёки бирор тадбир ўтказишни, умуман, бутун оилага тааллуқли бўлган бирор қарор қабул қилишда, агар бунда болалар иштироки ўринли бўлса, улар фикрини сўраш орқали бола онгига келгусида ҳар қандай ишни олдин маслаҳатлашиб, кейин қилиш керак деган тушунча сингдирилади. Унга амал қилишни ўрганган фарзандлар ҳаёт йўлларида дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни қийналмай енгиб ўтиш, ўз максадларига осон етишиш имкониятига эга бўладилар.

Хўриш НУРУЛЛАЕВ.

► Ўтмишдан дарак берувчи манзиллар

Инсоният тарихининг муҳим босқичларидан бири бўлган Ўрта тош даври маданий ёдгорликлар юртимизнинг тоғ ва тоғолди воқаларида кенг тарқалган бўлиб, бу ҳудудларда аждодларимиз томонидан яратилган қадим манзилгоҳларнинг мавжудлиги бу заминнинг бой тарихи ва маданий меросидан далолат беради.

Инсоният тамаддунининг Нуробод ва Нарпайдаги қадим маконлари



Хусусан, Нуробод ва Нарпай туманлари чегарасидаги Зирабулоқ тоғларининг шимолий ён бағридан тахминан 8 чакирим масофада, адирликнинг энг қуйи қисмида, яъни Зарафшон воҳасининг бошланиш нуқтасида Марказий Осиё минакасидаги Мустье даврига оид (милоддан аввалги 100-40 минг йиллик) «Зирабулоқ» ва «Қўтирбулоқ» маконлари жойлашган.

Бу ерда «Зирабулоқ» деб номланган булоқ бўлиб, чашманнинг бундай номланишига унинг тева-рак-атрофида зира ўсимлигининг ниҳоятда кўп ўсганлиги сабаб бўлган. Чашма суви шифобахш ҳисобланиб, қулоқ, ошқонзо яраси, бавосил ва бир қанча касалликларни даволаш учун истеъмол қилинади.

Ўрта палеолит даврида чашма атрофини аждодларимиз макон тутиб, бу ерда муқим яшаган ва ўзларидан анча бой маданий мерос қолдирганини археолог олим Неймат Тошкенбоев ўтган асрнинг 60-йиллари охирида таъкидлаган эди. Олим қазима ишларини олиб бориб, ҳудудни илмий жиҳатдан ўрганган ва бу ер инсониятнинг қадим маконларидан эканлигини исботлаган. Шунингдек, бу манзилгоҳлар ҳақида профессор Анатолий Сағдуллаев ҳам ўзининг «Ўрта Осиё археологияси» китобида маълумот берган: «Зирабулоқ манзилгоҳини ўрганиш натижасида 3 та шурф маданий қатламлардан 350 дан зиёд чакмоқтош, кварцит, майда заррали сланец, диорит ва дарё тошларидан ясалган нуклеуслар, сиҳча, қирғич, қирғичча, қуракча, ўроқ, ранда ҳамда бошқа меҳнат қуроллари ҳам топилган».

«Зирабулоқ» дан чамаси бир чакирим гарбда яна бир шифобахш «Қўтирбулоқ» чашмаси жойлашган. Маҳаллий аҳолининг таъкидлаши-

ча, чашманинг лойи инсон танасида чиққан кўтир, яра, сугал каби тери касалликларига шифо бўлар экан. Чашма шундай мўъжизавий хусусиятлари туфайли «Қўтирбулоқ» деб номланган. Бу манзилгоҳ нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги Мустье даврига оид машҳур маконлардан бири ҳисобланади. «Қўтирбулоқ»да амалга оширилган қазималар натижасида маконда 5 та маданий қатлам борлиги аниқланган. Қатламларнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, топилмалар ҳудуд бўйлаб бир хил тарқалган эмас. Бу ердан ҳам диорит, кварцит ва дарё тошларидан ясалган ўткир учли пойкон, қирғич, тешгич, парма, икки томонлама ишлов берилган баргсимон қуроллар, ясси гардишимон нуклеус ва бошқа турдаги қуроллар топилган.

Қўтирбулоқликлар тош қуроллар учун хомашёни макондан унча узок бўлмаган Зирабулоқ тоғларидан олиб келишган. Маконнинг аҳамиятли томони шундаки, унинг маданий қатламларидан Ўрта Осиёнинг бошқа Мустье ёдгорликларида кам учрайдиган ёввойи ҳайвонлар – фил, тур, буғу, ёввойи от, қулон, хонгул ва бошқа ҳайвонларнинг ҳам суяк қолдиқлари топилган. Улар маданий қатламдаги гулхан қолдиқлари атрофида жамланган. Таҳлилий археологик ўрганишлар шундай хулоса берадики, бу масканларда яшаган ўтмишдошларимиз ибтидоий овчилик билан ҳамда Зирабулоқ тоғ ёнбағирларида ёввойи мевалар, донли ўсимликлар, зираворлар кўп бўлганлиги учун термачилик билан ҳам фаол шуғулланган, дейишимиз мумкин.

Илҳомжон БОТИРОВ, Нуробод туманидаги 47-умий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари.

ТИКУВЧИЛИК фақат аёлларнинг иши эмас

Тикувчи деганда дастлаб кўз ўнгимизда аёл киши гавдаланади. Аммо Пайариқ тумани Челек шаҳарчасида шундай эркак тикувчилар борки, улар ўз касбининг моҳир усталаридир.



Комилжон Афанов 27 йилдан бери эркаклар кийимларини тикиш билан шуғулланади.

– Раҳматли онам дўппи тикиб сотарди, – дейди К.Афанов. – Холамлар ҳам қўли гул тикувчи эди. Уларга қизиқиб, аввало, ўзимга, кейин укаларим ва яқинларимга шим тикиб, шу хунарга меҳр қўйганман. Кейинчалик эркаклар учун костюм, кўйлак, пальто ва бошқа кийимлар тикишни ўргандим. Бу хунарни танлаганимдан ҳеч афсусланмайман.

Комил ака кўплаб шоғирлар тайёрлади. Уларнинг 20 дан ортиғи бугунги кунда шу иш билан шуғулланади. Жамшид Мухиддинов ҳам устози Комил Афановдан

ўрганган тикувчилик сир-асрорларини челеклик ёшлар билан бўлишяпти. – Комил Афанов тоғам, ҳам устозим бўлади, – дейди Жамшид Мухиддинов. – У кишидан хунар ўрганиб, ўзим алоҳида цех ташкил қилдим. Хунармандлар уюшмасига аъзо бўлиб, 3 нафар ёши шоғирликка олдим. Келгусида ўз «бренд»-имни яратмоқчиман. Корхона очиб, юзлаб ёшларни иш билан таъминлаш ниятим бор.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 22 014 nusxada chop etildi. Buyurtma 97. Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

D.TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda